



ООО "XB FINANSE KONSULTING" АО

«Поп пахта тозалаш» Акциядорлик жамиятининг  
2018 йил якуни бўйича тузилган молиявий хисоботига

Ижобий фикр билдирилган

**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

*Жамият таъсисчилари ва раҳбариятига*

*Аудиторлик ташкилоти тўғрисида маълумот*

*Масъулияти чекланган жамият шаклидаги "XB FINANSE KONSULTING" аудиторлик ташкилоти.*

*100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темураш кўчаси 15 уй. тел: +233-02-10, 233-02-04.*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 11.05.2005 йилда реестр № 321 рақам билан рўйхатга олинган ва 1018 сонли гувоҳнома берилган.*

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 15 май 2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказишга рухсат берувчи 00676-сонли Лицензия. 20 208 000 604 408 712 001, «DAVR BANK» ХАТБ Чилонзор филиали, МФО 01046. Аудиторлик ташкилоти директори: Рузимов Мансурбек Султанович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2017 йил 22 декабрда берилган № 05540 сонли аудитор малака сертификатига эга.*

*Аудиторлик текшируви ўтказилаётган корхона тўғрисида маълумот*

*«Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти*

Корхона ва ташкилотининг тўлиқ номи «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти (кейинги матнларда «жамият» деб юритилади)

Юридик манзили ва телефон рақамлари Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Поп тумани, Хўжаобод қишлоғи. Телефон +99897 374 88 00

Давлат томонидан рўйхатдан ўтган гувоҳнома Поп туман ҳокимлиги ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси»нинг 2015 йил 27 март 1822-реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Гувоҳнома рақами № 1768

Банк реквизити Х/ рақами 20210000900380149001, «Агробанк» Поп бўлими, МФО(банк коди) 00238.

СТИР 200087259

ОКЕД 13101

Жамият бошқаруви раиси: Хидиров Алимардон Араббоевич

Молия ишлари бўйича директор: Азизхожаев Жамолхон Шомаҳмудович

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “XB FINANSE KONSULTING” аудиторлик ташкилотининг аудитори Тожибоев Обиджон Тухтасинович, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014 йил 22-октябрда берилган №04761 “Аудитор малака сертификати”, аудиторлик ташкилоти билан «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти ўртасида 2018 йил 16 январ кўни тузилган 50/03-19 сонли шартномага асосан «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилган “Бухгалтерия баланси” – № 1 шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” – № 2 шаклларида иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботининг ишончлилигини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

#### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

#### **Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги**

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бўзиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

#### **Ижобий фикр**

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект «Поп пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари

Аудитор

Хулоса тузилган сана:  
20.03.2019 йил М.Ў



*(Handwritten signature)*

М.С.Рүзимов

О.Т.Тожибоев